

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг таълим йўналишидаги 2019 йил 10 ойлик фаолияти юзасидан қисқача

МАЪЛУМОТНОМА

Тошкент шаҳри

5 ноябрь 2019 йил

ПРОФЕССОР-ЎҚИТИУВЧИЛАР ТАРКИБИ:

Олий мактабда бугунги кунда мавжуд бўлган 5 та кафедра доирасидаги 10 та штат бирлигига конкурс асосида танлаб олинган 8 нафар профессор-ўқитувчи ишламоқда. Улардан 6 нафари танловдан ўтгунга қадар судьялик лавозимида фаолият юритган, 2 нафари юридик фанлар доктори, 4 нафари эса юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга.

Айни пайтда Олий мактабда 4 та фан доктори ва 10 дан ортиқ фан номзодлари ишламоқда. Мехнатга соатбой ҳақ тўлаш шарти билан 36 нафар тажрибали мутахассислар ўқув жараёнига жалб қилинган. Шулардан 18 нафари судьялар, 9 таси фан доктори, 7 нафари эса фан номзодлариидир.

МАГИСТРАТУРА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:

Олий мактабнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи билан амалдаги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг “Хукуқ” таълим соҳаси таркибидаги “5240100-Юриспруденция (фаолият турлари бўйича)” таълим йўналиши негизида янги “5A240121-Суд фаолияти (фаолият турлари бўйича)” магистратура мутахассислиги киритилди.

2019 йил 22 ва 23 август қунларида ўтказилган кириш синовлари натижаларига кўра 184 талабгорлардан фуқаролик, жиноят ишлари, иқтисодий ва маъмурий судлар ихтисосликларининг ҳар бири бўйича 15 нафардан жами 60 нафар шахс тингловчилар сафига қабул қилинди ҳамда улар 4 сентябрдан бошлаб таълим жараёнига жалб қилинган.

МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ БЎЙИЧА:

Малака ошириш курслари доирасида жорий йилнинг апрель ва сентябрь ойларида маъмурий судларнинг судьялари учун, май ва октябрь ойларида фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари учун; июль ва октябрь ойларида иқтисодий судлар ҳамда августда жиноят ишлари бўйича судларнинг судьялари учун давомийлиги икки ҳафтадан иборат ўқишлар ташкил қилинди.

Ҳозирги кунга қадар жами 112 нафар, шулардан 17 нафари жиноят ишлари бўйича, 35 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 30 нафари маъмурий, 30 нафари иқтисодий суд судьялари малака ошириш курсида ўқитилди.

2-14 декабрь кунлари жиноят ишлари бўйича суд судьялари учун икки ҳафталик малака ошириш курси (15 нафар) ташкил қилиниши режалаштирилган.

***РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН ЗАҲИРАДА БЎЛГАН СУДЬЯЛарНИ
ҚайТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИ БЎЙИЧА:***

Ҳозирги кунда (28 октябрь - 21 декабрга қадар) раҳбарлик лавозимлари заҳирасида турган судьяларни қайта тайёрлаш курсида 15 нафар судья таҳсил олмоқда.

***СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИ
БЎЙИЧА:***

Ҳозирда, яъни 4-16 ноябрь кунлари жиноят ва маъмурий суд аппарати ходимларининг икки ҳафталик малака ошириш курслари (15 нафардан 30 нафар) ташкил этилди.

18-30 ноябрь кунлари фуқаролик ва иқтисодий суд аппарати ходимларининг икки ҳафталик малака ошириш курсларини (20 нафардан 40 нафар) ташкил этиш белгиланган.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ (ВЕБИНАР) КУРСЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА:

Жорий йилнинг ноябрь, декабрь ойларида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан фуқаролик, жиноят ишлари бўйича ҳамда маъмурий ва иқтисодий суд амалиётининг муаммоли мавзулари бўйича қисқа муддатли ўкув курслари ташкил қилиниши режалаштирилган.

ХУДУДЛАРДА САЙЁР КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА:

Жорий йилнинг декабрь ойида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Андижон, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларига чиққан ҳолда суд амалиётининг долзарб ва муаммоли мавзулари бўйича қисқа муддатли ўкув курслар ташкил қилиниши режалаштирилган.